

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

5.06.2023 йил

Ромитан тумани

4-2006-2301/1078-сонли иш

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Г.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси Н.Рашидовнинг котиблигида, даъвогарнинг (2021 йил 7 январдаги 30-01-13-10/78-сонли ишончномаси билан) вакили Н.Ёғмировлар иштирокида, даъвогар – Бухоро шаҳридаги “Ўдудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг, жавобгар – Жондор туманидаги “Варахшо Мева-сабзавот” масъулияти чекланган жамиятидан 56.477.000 сўм зарар ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

“Ўдудгаз Бухоро газ таъминоти” ва Жондор туманидаги “Варахшо Мева-сабзавот” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2022 йил 8 ноябрь кунида 090734-сонли “Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш” ҳақида шартнома имзоланган.

Шартноманинг 1.1-бандига асосан даъвогар ёки “етказиб берувчи” газ тармоғи орқали “Истеъмолчи”нинг келишилган буюртмаси бўйича табиий газ етказиб бериши, “Истеъмолчи” эса шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиб олиш ва унинг учун тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартномага асосан даъвогар жавобгарга тарафлар ўртасидаги келишувнинг 1.4-бандига асосан табиий газ етказиб берган.

Бир гуруҳ шахслар иштирокида тузилган 2023 йил 28 февралдаги жавобгар қарашли иссиқхонани кўздан кечириш ҳақидаги хатлов далолатномасида истеъмолчининг хатига асосан газ ҳисоблагич ишламай қолганлигини қайд этилган.

Шунга асосан, даъвогар жавобгарга нисбатан 56.476.800 сўм зарар суммаси ҳисоблаган.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 3.13-банди тармоққа уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада максимал (тўлиқ) қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чиқиб, истеъмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати, жумладан д-кичик хатбошисида ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (Истеъмолчи айби билан) пломбалар узилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) -бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда ҳисобланиши белгиланган.

Ҳисобланган зарар қарздорлигини ихтиёрий тўлаб бериш тўғрисида 2023 йил 6 апрелда 30-01-13-292/1783-сонли талабнома билан мурожаат қилган бўлишига қарамасдан, талабнома ижроси оқибатсиз қолдирилган.

Натижада, даъвогар ҳосил бўлган 56.477.000 сўм зарар суммаси ундириш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилган.



Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдирмади. Ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза тақдим этмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини қўллаб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергия ва табиий газдан фойдаланиш тартибини таокмиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли Қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш” Қоидаларининг 125-банди иккинчи хатбошисда шунингдек, тармоққа уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада максимал (тўлиқ) қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чиқиб, истеъмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати қуйидаги ҳолларда ундирилиши кўрсатилган.

Мазкур банднинг д-кичик хатбошисида ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмолчи айби билан), пломбалар узилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) — бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига кўра зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмаи қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси биринчи қисмида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги кўрсатилган.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 5.1-бандида газдан фойдаланишда “Истеъмолчи” томонидан 3.13-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, “Етказиб берувчи” ва “Истеъмолчи”



вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолтаномга билан расмийлаштириши қайд этилган.

Шунингдек, 5.2-бандида ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ “Истеъмолчи”дан “Етказиб берувчи” вакилининг кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилиши шартлашилган.

Ваҳоланки, тарафлар ўртасидаги шартноманинг 7.3-бандиучинчи кичик хатбошида “Истеъмолчи” тасарруфидаги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашга, носозликлар аниқланган тақдирда дарҳол хабардор қилиш ва бартараф этиш чораларини кўришга мажбурлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 72-моддасида қонунчиликка мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Аниқланишича, жавобгар томонидан ишламаган даврлари учун ҳисобланган 20 кунлик газ сарфи миқдори 56.476.800 сўмни ташкил этган бўлсада, даъвогар томонидан 56.477.000 сўм миқдорида зарар суммаси ундиришни сўраган.

Иш суд мажлисида кўрилаётган кунга қадар, жавобгар даъво талабини умуман тўламаган. Ушбу ҳолат даъвогар вакилининг тушунтиришлари ва даъвогарнинг тақдим этган маълумотномаси билан тасдиқланади.

Шунга асосан суд, даъвогарнинг даъво талаби қисман яъни 56.476.800 сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л а д и :

1. Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.
2. Жавобгар - Ромитан туманидаги “Варахшо Мева-сабзавот” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти фойдасига 56.476.800 сўм зарар ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.
3. Даъвонинг қолган қисми рад этилсин.
4. Жавобгар - Ромитан туманидаги “Варахшо Мева-сабзавот” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 1.129.540 сўм давлат божи ундирилсин.
5. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақалар берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Судья

Х.Г.Абдуллаев



